

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНВЕРСИТЕТИ**

**5620300 – Почта алоқаси технологияси, 5350500 – Почта
алоқаси технологияси бакалаврият талабалари учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ

ёзиш бўйича услубий қўлланма

ТОШКЕНТ-2016

Мазкур услубий қўлланма 5620300 – Почта алоқаси технологияси, 5350500– Почта алоқаси технологияси бакалаврият талабалари томонидан битирув малакавий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёнига услубий жиҳатдан ёрдам беради. Услубий қўлланмада битирув малакавий ишлари мавзуларини танлаш, талабаларга илмий раҳбарларни тайинлаш, битирув малакавий ишларини тайёрлаш, уларни расмийлаштириш, Давлат аттестацияси комиссияси ҳузурида ҳимояга тайёрлаш жараёнлари батафсил баён этилган.

Тошкент ахборот технологиялари университети Илмий-услубий кенгаши йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Тузувчилар:

Ш.Ш.Тўраев – “АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент” факультети декани, и.ф.н., доцент

Ф.О.Базаров – “Почта алоқаси технологияси” кафедраси мудир, и.ф.н., доцент

Б.Х.Маъмуров – “Почта алоқаси технологияси” кафедраси ассистенти

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурига асосан, кадрлар тайёрлаш сифати ва рақобатбардошлигини кучайтириш, халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 9 июндаги 255-сонли буйруғи билан янги таҳрирдаги “Институтда бакалаврларнинг битирув малакавий иши (БМИ) ни бажаришга қўйиладиган талаблар” қабул қилинди.

Давлат таълим стандартларида бакалаврият босқичи талабалари барча фанлар блоки бўйича қўлланилиши талаб этилган билимларни, тугалланган касбий вазифасини ўзининг битирув малакавий ишида амалга ошириши белгиланган. Бакалаврият таълим йўналишларида талабалар ўқишнинг якуний босқичида битирув малакавий ишини тайёрлашлари ва ҳимоя этишлари кўзда тутилган.

Битирув малакавий ишини ёзишдан мақсад – талабалар томонидан ихтисослик фанлари бўйича олган назарий билимларини амалиёт маълумотлари билан боғлаган ҳолда, таҳлил ишларини амалга ошириб, тегишли хулосаларни шакллантириш, фаннинг муайян мавзуси бўйича илмий-тадқиқотларни амалга ошириб, билим даражаларини юксалтиришдир.

I. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ МАВЗУСИНИ ТАНЛАШ

Битирув малакавий иши мавзулари буюртмачиларнинг ходимларга бўлган талабини, ҳозирги замон фан-техника ва технология тараққиётини эътиборга олган ҳолда олий таълим муассасаларида мутахассис тайёрловчи кафедралар томонидан аниқланади.

Битирув малакавий иши мавзулари назарий-таҳлилий, таҳлилий-амалий, илмий-изланиш, дастурий каби йўналишларда бўлиши мумкин.

Битирув малакавий ишлари мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, техника, ижтимоий

соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболдаги ривожланишини ўзида акс эттириши керак.

Битирув малакавий ишлар мавзуси кадрлар тайёрловчи кафедрани томонидан белгиланади ва ҳар ўқув йили бошида қайта кўриб чиқилади.

Битирув малакавий ишлари мавзусининг рўйхати еттинчи семестр бошида эълон қилинади. Талабаларга почта алоқаси соҳасидаги корхоналарининг муаммоларини ва эҳтиёжларини ҳал қиладиган мавзулар рўйхати бўйича битирув малакавий ишларининг мавзуларини танлаш ҳуқуқи берилади. Шунингдек, талаба ёки талабанинг ўқиши учун тўлов-контракт маблағини тўлаётган буюртмачи зарурий асослар билан битирув малакавий ишлар мавзуси бўйича ўз вариантларини таклиф этиши мумкин.

Танланган мавзу ва бириктирилган илмий раҳбар бўйича маълумот кафедра мудирини ва факультет декани номига ариза шаклида талаба номидан расмийлаштирилади (1 ва 2-иловалар). Битирув малакавий ишлар мавзуси ва раҳбарини талабага бириктириш кафедранинг такдимномасига кўра ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий ишларига тайинланган илмий раҳбар БМИ мавзусига мувофиқ талабага БМИга тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ беради. Топшириқ БМИ билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига такдим этилади.

Тавсия этилувчи мавзулар рўйхати кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчилари ва почта алоқаси соҳасидаги корхоналари томонидан тузилади. Мавзулар рўйхати ҳар ўқув йилида камида 40-50 фоизга янгиланиши ва почта алоқаси соҳасидаги корхоналари билан мувофиқлаштирилиши таъминланади. Ўқув йили бошланишида кафедра профессор-ўқитувчилари битирувчи курс талабаларини мазкур мавзулар билан таништирадilar. Талабалар ўз қизиқишларидан, аввалги босқичларда ёзилган курс ишлари, илмий мақолалари ва бошқа шу каби илмий изланишлари мавзуларидан келиб чиққан ҳолда кафедра томонидан такдим этилган рўйхатдаги мавзулардан бирини танлайдилар.

Бир академик гуруҳда икки ва ундан ортиқ талабанинг бир мавзу бўйича ва ўтган йилларда бажарилган битирув малакавий иши ёзишларига рухсат берилмайди. Ихтисослик фанлари бўйича

дарс ўтувчи кафедра профессор-ўқитувчилари талабалар билан суҳбатлашиб, мавзу танлаш бўйича маслаҳатлар берадилар ва ҳар бир талабага бириктирилган мавзулар бўйича маълумот йиғиб, буйруқ лойиҳасини тайёрлаш учун кафедрага тақдим этадилар. Буйруқ лойиҳаси кафедра йиғилишида муҳокама этилади.

Талабалар танлаган мавзулар бўйича илмий изланишлар олиб бораётган кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчилари ва почта алоқаси соҳасидаги корхоналари етакчи мутахассислари битирув малакавий ишларига илмий раҳбар сифатида бириктирилади. Бунда оммавий ахборот воситаларида ўз илмий мақолаларини чоп этган, талабалар илмий тўғаракларида қатнашган ёки бошқа шу каби илмий изланишларни олиб борган иқтидорли талабалар ўз изланишлари мавзуси доирасида ўз илмий раҳбарлари бошчилигида битирув малакавий ишлари ёзишлари таъминланади. Ҳар бир профессор-ўқитувчининг илмий салоҳияти, педагогик тажрибаси, ўқув юкмаси, интизоми, ўз ишига масъулият билан ёндашиши даражаси каби шахсий фазилатлари ҳам ҳисобга олинади.

II. МАЛАКАВИЙ ИШНИ БАЖАРИШГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

Битирув малакавий иши раҳбари, малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага малакавий ишга тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ беради. Топшириқнинг шакли кафедра томонидан белгиланади (3-илова).

Малакавий иш раҳбари:

- малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради;
- топшириқ беради;
- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича манбаларни тавсия этади;
- талабалар билан мунтазам равишда маслаҳатлар ўтказади;
- малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади;
- талаба бажарган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларнинг қайтарилишига ёки кўчирилишига йўл қўймайди.

Малакавий иш раҳбарининг таклифига биноан кафедра малакавий ишга раҳбарлик қилишга ажратилган вақт бюджети



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/1324> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/1324> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1324>